ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2 июль, пайшанба 1998 йил №77 (579)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

3 ТАМАКИДАН ҚУТУЛИШ МУМКИН

4 «БОҒИ ЭРАМ» ЧОРЛАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил Давлатининг Саноат ва савдо вазири Натан Шаранскийни қабул қилди.

Маълумки, мамлакатимиз билан Исроил Давлати ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат 1992 йил бошида имзоланган эди. Таъкидлаш жоизки, шундан буён икки давлат ўртасидаги алоқаларда фақат ўсиш кўзга ташланади. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан умумий товар айланмасининг ўтган йил натижалари рўйхатида Исроил Давлати юқори ўринлардан бирини эгаллаши, юртимизда Исроил капитали иштирокидаги кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани ва уларнинг сони ошиб бораётганининг ўзиёқ бу фикрнинг исботидир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг мазкур мамлакат билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланаётганидан мамнуният изҳор этди.

- Қувонарли томони шундаки, - деди Ислом Каримов, - бу ўзаро дипломатик, сиёсий-иқтисодий, маданий ва бошқа барча соҳаларда ўз аксини топаётир.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, ташқи ишлар вазири А.Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ганиев иштирок этди.

Қабул маросимида Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ноаҳ Гал-Гендлер ҳозир бўлди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил Давлати саноат ва савдо вазири Н.Шаранский раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов билан бўлган учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит, Ўзбекистон-Исроил иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида сўз борди.

Суҳбат чоғида қўшма лойиҳаларнинг бажарилиш жараёни, янги лойиҳалар тузиш имкониятлари, икки мамлакат ишбилармонларининг мулоқотини кенг йўлга қўйиш, улар учун имтиёзли кредит линияларини очиш сингари масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

Шу куни Н.Шаранский бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди.

Учрашувда минтақавий муаммолар ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Н.Шаранский, жумладан, Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан Исроилнинг нуқтаи назарини баён қилди.

Шунингдек, Н.Шаранский бошчилигидаги делегация аъзолари Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликларида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказди.

Учрашувларда Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ноаҳ Гал-Гендлер иштирок этди.

/ЎзА/

Самарқанд вилоятидаги ўймакор уста Мирусмон Асадов қўлида сайқал топган ўймакорлик ишларини кўрган киши ўзини мўъжизага дуч келгандай ҳис этади. Нақшларда қандайдир сир-синоат, кишини мафтун этувчи сеҳр борга ўхшайди. Ҳа, уста кўп йиллардан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келмоқда. Унинг меҳнати маҳсули сифатида намоён бўлган турли буюмлар таниқли ёзувчи Ғафур Ғулом, халқимизнинг суюкли санъаткори Тамарахоним, ёзувчи Ойбекларнинг уй музейларини безаб турибди.

Халқ устаси айни кунда Имом Ал Бухорий юбилейига муносиб совға ҳозирлаш учун ҳаракат қилмоқда.

Суратларда: Халқ устаси Мирусмон Асадов набираси Мирмуҳсин билан.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ЖИДДИЙ ХАВОТИР

Женевада СПИДга қарши кураш бўйича халқаро анжуман ўз ишини якунлади. Унда БМТнинг СПИДга қарши кураш Дастурининг йиллик ахбороти тингланди. Маълум бўлишича, сўнгги бир йилда жаҳонда СПИД хасталигига чалинаётганлар сони ҳар куни ўртача 16 мингтага ошиб бораётган экан. Женева анжуманида сўзга чиққанлар бу ҳолатга жиддий хавотир билдирдилар ва агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, келаси йили СПИДга қарши кураш бўйича анжуманни БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши доирасида ўтказишга мажбур бўлинади.

БМТ РОЗИ БЎЛМАЙДИ

Чеченистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўла олмайди. Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Владимир Рахманин баёнот берди. Маълум бўлишича, Чеченистон ташқи ишлар вазирлиги Россия ташқи сиёсат маҳкамасидан БМТга аъзо бўлишда кўмак беришни сўраган экан. Бироқ Россия ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, БМТга фақат алоҳида давлатлар аъзо бўлиши мумкин. Чеченистон эса Россия таркибидаги республикадир.

УКРАИНА ПАРЛАМЕНТИ ИШСИЗ ҚОЛДИ

Украина парламенти — Верховная Раданинг собиқ раиси, украин коммунистларининг йўлбошчиси Александр Мороз парламентга яна раис бўлиш мақсадида сайловларга қўшилиб кетди. У парламент сайловларида мавжуд 226 овоздан 170 тасини қўлга киритди. Ҳозир Украина парламенти ўз вақтини фақат сайловлар ўтказишга сарфламоқда, қонунлар-чиқаришга унинг вақти йўқ. Чунки украин парламентига ҳамон раис топилмаган.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИКДИ

Фаластин Мухторияти вазирлар маҳкамаси истеъфога чикди. Президент Ёсир Арофот Фаластин парламентига мурожаат этиб, икки ҳафта муддат ичида янги ҳукуматни тузажагини маълум қилди. Унгача ҳозирги ҳукумат аъзолари ўз вазифаларини бажариб турадилар.

КЕЛАЖАК ХАВОТИРИ

Веанада Тинч океанининг жанубий чеккасида Франция томонидан қарийб 30 йил давомида синовдан ўтказилган ядро бомбаларининг оқибатлари юзасидан халқаро экспертлар анжумани бўлиб ўтмоқда. Экспертлар ахборотига кўра, Франциянинг ядровий портлатишлари оқибатида Тинч океанининг ядровий синовлар ўтказилган икки оролидаги радиация кучи инсонлар, қолаверса барча тирик мавжудотлар учун ниҳоятда катта хавф туғдирмоқда.

ЯМАНДА ЖАНЖАЛ

Яман ҳукумати қўшинлари ва ерли аҳоли ўртасида куролли тўқнашувлар содир бўлмоқда. Яманда яшовчи турли қабилалар вакиллари мамлакатда нарх-навонинг ошиб кетганига қарши намойиш уюштирганлар. Ҳукумат эса уларга қарши қуролланган полициячиларни сафарбар этган. Бугунги кунга қадар тўқнашувлар оқибатида Мағриб шаҳрининг ўзида 50 дан зиёд киши ҳалок бўлган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Ўрта Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкатлар уюшмаси аъзолари ғалладан мўл ҳосил етиштиришди. Уюшма аъзолари бор ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштиришга олиш чорасини кўрмоқда.

Суратда: илғор комбайнчи Б.Бозоров ҳосил чўғидан мамнун.

Ҳусанбой АВАЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон — НАТО

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Шимолий Атлантика Иттифоқи (НАТО)нинг харбий масалалар бўйича қўмитаси раиси генерал Клаус НАУМАННинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бошланди

Минтақа мустаҳкамлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш ишида Ўзбекистон бугунги кунда жаҳондаги етакчи давлатлар, халқаро хавфсизлик тузилмалари билан ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг 1996 йили Бельгия Қироллигига ташрифи доирасида унинг Шимолий Атлантика Иттифоқи Бош котиби Хавьер Солана билан учрашуви ҳам шундан далолат беради. Мустақил давлатларнинг халқаро мудофаа иттифоқи бўлмиш НАТО тинчликни сақлаш, сиёсий бирдамлик ҳамда ўз хавфсизлигини эҳтимол тутилган раҳналардан сақлаш учун етарли даражадаги ҳарбий мудофаа йўли билан ўз халқларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган давлатларни бирлаштирган.

Бугунги кунда НАТО Марказий ва Шарқий Европадаги ўз шериклари билан, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида жойлашган мустақил давлатлар билан мулоқот ва ҳамкорликнинг янги тизимини ўрнатмоқда. НАТО уларга ўз тажрибасини, сиёсий ва илмий маслаҳатларини таклиф этиб, уларни Шимолий Атлантика Иттифоқининг тегишли анжуманларида иштирок этишга чорламоқда. Ўзбекистон давлат раҳбарининг НАТО қароргоҳида унинг Бош котиби Хавьер Солана билан учрашуви чоғида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» программаси доирасида Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган эди. 1996 йил охирларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қўмитаси раиси бошчилигидаги республика делегациясининг НАТО Ахборот ва матбуот бўлимининг таклифига биноан у ерга қилган сафаридан кўзланган мақсад ҳам Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида мамлакатимиз иштирокини кенгайтиришдан иборат эди. Мазкур учрашувда таъкидланганидек, НАТОнинг асосий вазифаси Европа хавфсизлигини таъминлашдир. Европа хавфсизлиги эса жаҳондаги бошқа минтақаларнинг хавфсизлигига, жумладан Марказий Осиё хавфсизлигига боғлиқдир. Ўзбекистон президенти кўпгина учрашувларда таъкидлаётганидек, хавфсизликнинг чегараси бўлмайди. НАТО вакиллари Марказий Осиё минтақасида мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг муҳим ўрин тутишини таъкидламоқдалар.

1997 йилнинг март ойида Ўзбекистонга НАТО Бош котиби жаноб Хавьер Солана расмий ташриф билан келди. Хавьер Солана Тошкентда мамлакатимиз олий сиёсий ва ҳарбий раҳбарият вакиллари билан бўлган музокараларда Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичларга кўтариш юзасидан фикр алмашди. НАТОнинг «Тинчлик йўлидажаши ҳамкорлик» дастурида Ўзбекистон иштирокини янада кучайтириш масалаларини муҳокама этди.

Ўзбекистон Республикасининг НАТО билан ҳамкорлигининг ҳозирги кундаги умумий ҳолати ҳақида гапирганда шуни айтиш лозимки, республиканинг НАТО дастури тадбирларидаги иштирокида муайян силжиш мавжуд. 1996 ва 1997 йилнинг ёз ойларида Ўзбекистон ҳарбийлари НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури асосида Марказий Осиёда, Америка Қўшма Штатларида ва Норвегияда ўтказилган ҳарбий машқларида иштирок этдилар. Бу йилнинг кузида эса Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурининг навбатдаги ҳарбий машқлари бўлиб ўтиши керак, НАТО вакилларининг фикрича, Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида Ўзбекистон «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурининг энг фаол иштирокчисидир. Бундай тамойил Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишида Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ўтказаётган сиёсатнинг жиддийлигидан далолат беради.

НАТО ҳарбий қўмитаси раиси генерал Клаус Науманнинг мамлакатимизга ташрифидан кўзланган асосий мақсад ҳам «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида Ўзбекистоннинг иштирокини янада кенгайтириш, НАТОнинг ушбу дастури доирасида Марказий Осиёда янги-дан-янги лойиҳаларни амалга ошириш режаларини муҳокама этишдан иборатдир. Жумладан, Тошкентда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ташаббуси билан генерал Науманнинг журналистлар билан давра суҳбати бўлиб ўтди. «НАТО — тинчлик йўлидаги ҳамкорликнинг Марказий Осиё учун истиқболлари» мавзуидаги мазкур давра суҳбати Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастуридаги иштирокини янада кучайтириш масалаларига бағишланди. Бир сўз билан айтганда, НАТО блокининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилиши катта. Зеро, НАТО раҳбарияти Ўзбекистонни Марказий Осиёда барқарорликни асрашда етакчи давлат деб билади.

Х. БОҚИЙ, шарҳловчи

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари

ҚАРДОШЛАР ДИЛ СЎЗИ

Мухбирларимиз Тожикистон кунлари қатнашчилари билан суҳбатлашди

Бу юртнинг келажаги порлоқ

Мўмин ҚАНОАТ - шоир, Рудакий номидаги Тожикистон давлат мукофоти лауреати.

- Ўзбекистонни, ўзбек халқини чин юракдан севаман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Бозоримиз ҳам, ҳатто мозоримиз ҳам бир, Исмимиздан ҳам, жисмимиздан ҳеч ким бизни бирбиримиздан ажрата олмайди» деганларида минг бора ҳақдирлар.

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари сўнгги бор бундан 18 йил муқаддам ўтказилганди.

Тожик халқи бошига қулфатлар тушганда ўзбек қардошларимиз мададкор бўлдилар.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тожик халқига, юртига кўрсатган меҳрибонлиги, ғамхўрлигини унутолмаймиз. Илло, у кишининг умрлари узоқ бўлсин, ишлари ҳамиша бароридан келсин.

Шукроналар бўлсинки, яна ўзбек элида қучоқ очиб учрашиб турибмиз. Тошкент жуда ўзгариб, чиройига чирой қўшилибди. Ҳозир тўғриқувончимнинг чекигараси йўқ... Бу юртнинг келажаги порлоқлигига ишончим комил.

Ўзбекистонга табассум ярашади

Юсуф АКОБИРОВ - ёзувчи, Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати.

- Асарларим жаҳоннинг 27 тилида нашр этилган бўлса, энг биринчи ўзбек адибларини ўз тилларига ўгиришган. Демоқчиманки, биз ёшлар ота-онанинг фарзандларимиз. Мана, насиб этди, яна Ўзбекистонга делегация аъзолари сафида ташриф буюрдик. Ўзбекистонлик дўстларимизнинг юзларида табассум, шаҳар ва қишлоқларда осойишталик, кўркамликни кўриб кўксимиз тоғдек кўтарилди.

Шоир, адаб ва рассомларимиз янги асарларини, санъаткорларимиз эса янги дастурдаги концертларни, драмаларни олиб келишган. Шинавандалар хушнуд бўладилар деб ўйлаймиз.

Осойишталик бор жойда...

Холаҳмад МАЖИТОВ - Садриддин Айний номидаги опера ва ракс академик театрининг хор жамоаси раҳбари, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист.

- Ўзбек ва тожик халқининг урф-одати, санъати бир-бирига яқин. Биз тожикистонлик санъаткорлар ўзбекистонлик биродарларимизга, мухлисларимизга янги дастурдаги концертлар тайёрлаб келдик. Репертуаримиздан тожик, ўзбек, қирғиз, қозоқ ва бошқа халқларнинг куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари ўрин олган.

Мен бундан 20 йил олдин Тошкентдаги Мухтор Ашрафий номли консерваторияни тугатганман. Яъни, санъат соҳасидаги билим ва тажрибани шу ерда ўрганганман. Бугун устозларим, касбдошларим билан учрашиб, дилдан суҳбатлашаётганлигимдан бениҳоя мамнунман.

Бугунги Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Ҳа, осойишталик, аҳиллик жойда маданият ҳам ривожланар экан.

Суҳбатдошлар: Абдулла АЙИЗОВ, Сарвара ЖЎРА қизи «Ишонч» мухбирлари.

Дўсти қардошдир азалдан

...Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандга Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари иштирокчиларидан бир гуруҳи келди. Меҳмонларни вилоят ҳокими А.Мардиев кутиб олди.

Дўст мамлакат санъат ва адабиёт намоёндалари шаҳар билан танишуви буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Самарқанднинг энг кўркам кўчаларидан бирида салобат тўкиб турган Шарқнинг буюк алломалари - тожик ва ўзбек халқлари дўстлигининг рамзи Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳайкалларига ўрнатилган ёдгорлик пойига ҳам анвойи гуллар қўйилди. Шундан сўнг Самарқанднинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар.

Байрам дастурига мувофиқ Тожикистон санъат ва адабиёт намоёндалари Самарқанд, Тойлоқ ва Иштихон туманлари меҳнаткашлари билан учрашади. Улуғ аллома Махдуми Аъзам, буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий қадамжоларини зиёрат қиладилар. Улар саноат корхоналари, маҳалла аҳли, ўқув юртлари талабалари билан учрашадилар.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

«Сизларга ҳавас қиламиз!»

Мамлакатимизда бошланган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи 1 июль куни Бухорога ташриф буюрди. Байрамона безатилган аэропортда азиз меҳмонларни вилоят ҳокими С.Ҳусенов самимий кутиб олди.

Дўст мамлакатнинг таниқли санъат ва маданият арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, «Гулшан», «Зебо» ансамбллари ҳамда болалар вокал гуруҳи аъзолари уч кун давомида Бухоро шаҳрининг етти иқлимга машҳур меъморий обидаларини, янги қурилишларни кўздан кечиради. «Бухоротекс», «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятлари, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналарнинг жамоалари, шунингдек, Ромитон ва Пешку, Ғиждувон ва Вобкент туманлари меҳнаткашлари билан учрашади. Концерт дастурлари намойиш этилади. Мушоиралар ўтади.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Самарқанд вилоят «Агрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик жамиятида кейинги йилларда амалга оширилаётган тадбирлар билан яқинроқ танишишга ҳаракат қилдик.

Очиғини айтганда, илгари «Сельхозхимия» деб номланувчи бу тармоқ корхоналари зиммасига қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишга доир жуда кўп вазифалар юклатилган эди. Ўша даврда ишлаган ишчиларнинг таъкидлашича, бу вазифаларни бажаришга жисмоний жиҳатдан ҳам улгуриб бўлмасди. Ўзбекистон Президентининг тегишли Фармонларига мувофиқ амалга оширилган таркибий-тузилишдаги ислоҳотлар тармоқ корхоналари фаолиятини анча соддалаштирди. Эндиликда «Агрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик жамияти корхоналарининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигига зарур кимёвий ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган заҳарли моддаларни кимё заводларидан келтириш, сақлаш, хўжаликларга етказиб беришдан иборат.

Ислоҳотлар даври

ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

-Таркибий тузилишдаги ўзгаришлар, умуман ислоҳотлар нима берди, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Бу каби саволларга жавоб бериш учун, Президентимиз Ўзбекистон Олий Мажлисининг XI сессиясида айтганидек, аввало фикрлаш тарзини ўзгартиришимиз шарт. Масалага янгича ёндошиш туфайлигина улкан ўзгаришларнинг моҳиятини англаш мумкин бўлади, - дейди Самарқанд вилоят «Агрокимётаъминот» ДХЖ бошқаруви раиси Муртазо Холбўтаев, - Биринчидан, илгари «топшириқ бажарилади», энди эса «меҳнат қилинаяпти». Бу икки тушунчанинг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Иккинчидан, олдинги даврларда кимёвий ўғитлар зарурат даражаси ҳисобга олинмай етказиб борилаверган бўлса, ҳозир деҳқон ўз эҳтиёжига кўра буюртма беради. Шунинг ўзиёқ, яъни деҳқон буюртмасига боғлиқлик даражаси кимё таъминотчиларни деҳқонга яқинлаштирди. Очиғи, бугун биз деҳқоннинг хоҳиши ва эҳтиёжи билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Учинчидан, юқоридаги ўзгаришлар натижасида моддий-молиявий исрофгарчиликка чек қўйилаяпти.

БУЮРТМАГА ЯРАША

Шу ўринда айтишимиз керакки, жамоа хўжаликларига ўғит етказиб беришда ҳозирга қадар «фоиз асосида тақсимот» усулига амал қилиб келинмоқда. Афсуски, марказлашган тақсимотда на хўжаликнинг эҳтиёжи ва на таъминотчининг манфаатлари инобатга олинади. Янгича шароитларда эса бундай йўл молиявий тангликни келтириб чиқараверади. Ўзаро қарздорлик тугамайди. Бироқ бозор муносабатлари чуқурлашган сари бу усул барҳам топади. Чунки тўлиқ шартномавий муносабатларга ўтилгач, деҳқон ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва ўз молиявий имкониятига қараб буюртма беради. Натижада иқтисодий барқарорлашув жараёни тезлашади. Бошқача айтганда, «фонд асосида тақсимот» усулининг тазйиқи жамоа хўжалигига ҳам, таъминотчига ҳам, бошқа буюртмачиларга ҳам зарар етказмайдиган бўлади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари билан олиб борилаётган иш натижаларига кўра шундай хулосага келдик. Келажакда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча буюртмачилар билан шартномавий муносабатлар қарор топади, албатта. Дарвоқе, вилоят ҳокими Алишер Мардиев хўжалик субъектлари, тайёрловчилар ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар ўртасидаги алоқалар қатъий шартнома асосида юритилишига, бундай муносабатларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб, шахсан назорат қилмоқда. Шу туфайли ижро интизоми мустаҳкамланиб, масъулият ошаяпти. Булар эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва барқарорлаштиришда муҳим омил, ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ҳаёт тажрибаси кўрсатдики, биз фаолиятимизни ривожлантириш учун шартномавий шерикларга кўпроқ қулайлик яратишимиз лозим. Биз билан ҳамкорликдан уларнинг манфаатдорлиги муттасил ошиб бориши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ривожланиш шарти ҳам мана шундадир. Шу туфайли корхоналаримиз ишини яхшилаш мақсадида вилоятдаги марказий «Зарафшон» базасида, Пастдарғом, Каттақўрғон туманларида кимёвий ўғитларни сақлайдиган йирик омборлар, ҳавозалар қурилди. Жомбой туманида янги база ташкил этилди. Вилоятда жами 4 та шундай база очилди. Икки йилдирки, қурилишлар давом этяпти. Хуллас, биз кимёвий ўғитларни хўжаликкача, ҳеч бўлмаганда деҳқон учун қулай манзилгача етказиб беришимиз керак.

Вилоят «Агрокимётаъминот» ДХЖ корхоналари ўзларининг шартномавий мажбуриятларини уддалашаяпти. Деҳқончиликда зарур кимёвий ўғитларни етказиб бериш борасида республикада юқори кўрсаткичга эгалиги ҳам шунинг натижасидир. Чунки, бир жиҳатдан қараганда, ҳосил тақдири таъминотчиларга ҳам боғлиқ.

Фикримизга асос ҳам бор. Кимёвий ўғитлардан самарали фойдаланилгани боис кейинги йилларда Пахтачи туманида пахта ҳосилдорлиги, Пайариқ туманидаги «Элита» қўшма корхонасида ғалла ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошди. Вилоят миқёсида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда ҳосилдорликни ошириш учун кимёвий ўғитлар, ҳосилни зараркунанда ҳашоратлар ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун заҳарли воситалар қўлланилиши тақозо этилади. Аммо ортиқча қўлланиш фойда ўрнига зарар етказишини ҳам унутмаслик керак, албатта.

- Бу тўғри фикр, ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши, - дейди суҳбатдошимиз Муртазо ака Холбўтаев, - Биласизки, илон заҳридан шифобахш дори тайёрланиши мумкин. Бироқ зироатчиликда заҳарли кимёвий воситалар қўлланилишига эҳтиёж бор. Бундай моддаларнинг катта қисми ҳозирча хориждан келтириляпти. Ҳозирги пайтда бу масалага даҳлдор иккита саволга амалий жавоб топилиши зарур. Нима учун заҳарли модда четдан ва қиммат нархда сотиб олиниши керак? Экологик жиҳатдан зарарсиз воситалар борми? Республикамиз олимлари, кимё саноати мутахассислари бу соҳада жиддий изланаётгани ва самарали натижаларга эришаётгани қувончлидир. Биргина мисол: Навоий электрокимё» комбинатида бегона ўтларга қарши курашда ишлатиладиган моддалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилаяпти. Шу билан бирга бизнинг мутахассисларимиз ҳам бу борада иш олиб боришаяпти. Масалан, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида вилоятнинг барча туманларидаги корхоналаримизда махсус цехлар очилиб, ИСО деб номланган препарат тайёрлана бошланди. Оҳак эритмаси ва олтингугурт аралашмасидан иборат бу модда ўргимчакканага қарши қўлланиладиган «Неоран»ни қўлланишга нисбатан 4-5 баравар арзон тушади. Тайлоқ туман «Агрокимётаъминот» корхонасида эса самарқандлик олимлар билан биргаликда ўта заҳарли «Нетрофен» препарати ўрнини боса оладиган янги модда ишлаб чиқилди. Бу модда экологик жиҳатдан анча безарар ва арзондир. Ҳозир Тайлоқ тумани хўжаликларида мевали боғлар зараркунандаларига қарши худди шу янги модда қўлланилаяпти. Шундай ихтиролар натижасида хўжаликлар харажатларининг камайиши туфайли молиявий ҳисоб-китоблар изга тушиб бораяпти. Масалан, хўжаликларнинг «Агрокимётаъминот» корхоналаридан қарзлари камаймоқда. Булунғур, Тайлоқ, Самарқанд, Пахтачи, Ургут туманлари хўжаликлари имконияти кескин яхшиланди. Умуман, заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш вилоятда кескин камайди. Бир мисол, Ургут туман хўжаликлари илгари йилига 200 тоннадан зиёд заҳарли кимёвий моддалар харид қилишган. Ҳозир бу кўрсаткич кўп марта камайди. Энг муҳими, деҳқонларимиз барча турдаги кимёвий моддалардан мақсадли фойдаланишни ўрганишаяпти.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ТАРТИБ ЗАРУР

- Мулкчилик шаклининг ўзгариши туфайли жамоа хўжаликлари қаторида деҳқон ва фермер хўжаликлари, томорқачилик ва ҳоказо тузилмалар фаолияти ривожланмоқда. Булар ишни мураккаблаштирмадими? - сўраймиз суҳбатдошимиздан.

- Ҳамма гап ўзаро муносабатларни тартибга солиб олишдадир. Эндиликда барча туманлардаги корхоналаримиз жамоа хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан қатъий шартнома асосида ҳамкорлик қилишаяпти, -дейди М.Холбўтаев.-Айниқса, деҳқон хўжаликлари билан яқин ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Талаб қилинганда ўз техникаларимиз ёрдамида айтилган манзилгача етказиб бераяпмиз. Умуман, шартномавий мажбуриятларни бажаришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада Пастдарғом, Тайлоқ, Нарпай туманларида ибратли тажрибалар мавжуд. Томорқачилар учун ҳам барча туманларда махсус дўконлар очиб қўйилган. Бундан мақсад хўжаликларга берилаётган ўғитлар талон-тарож қилинишининг олдини олишдир.

Афсуски, вилоят «Агрокимётаъминот» ДХЖ раиси айтган мақсадга ҳали тўлиқ эришилгани йўқ. Талон-тарож, исрофгарчиликка чек қўйилмаяпти. Республика Президенти қишлоқ хўжалик масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу ҳақда қуйиниб гапиргани бежиз эмас. Биз ҳам бу ҳақда «Яна хўжасизликми?» («Ишонч» газетаси, 1998 йил) мақоласида сўз юритгандик. Вилоятдаги «Агрокимётаъминот» корхоналарига қарашли махсус дўконларнинг савдо оборот ниҳоятда кам. Томорқачилар уларнинг хизматидан етарли фойдаланишмаяпти. Бунинг сабаблари бор. Фикримизча, аввало дўконларни аҳолига қулайроқ жойлаштириш, буюртма қабул қиладиган масканлар очиш, кўчма дўконлар ташкил этиш керак. Бундан ташқари, ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддаларнинг ҳозирги тарзда қадоқланиши ҳам аҳоли учун қулай эмас. Ниҳоят, кичик идишларда қадоқлашга ўтиш керак. Ҳозирги даврда бозор талаби, харидорлар, шериклар эҳтиёжи ўрганилмас экан, ишда самарали ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси юксак тараққиётга элтувчи пиллапоялардир. Бу борада самарқандлик кимётаъминотчилар тутган йўл ибратлидир. Биргина мисол. Илгари кўплаб қўлланилган ОВХ аппаратлари эндиликда деярли йўқ. Борлари эса оддийгина пуркагич мосламаси йўқлигидан ишлатилмаяпти. Шуни ҳисобга олиб, таъминотчилар заҳарли кимёвий моддаларни сепиш учун қўлланилиши жуда қулай бўлган Италия технологияси бўйича Ўзбекистонда ишлаб чиқилган елкага тақиладиган юқори унумли пуркагич мосламаларни келтириб, деҳқонларга тавсия этишди. Бу каби изланишлар узлуксиз давом этяпти.

... Шу билан бирга ўз ходимларининг манфаатларини ҳам унутмаслик керак, албатта. Вилоят «Агрокимётаъминот» ДХЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси таклифлар ва бошқарув ташаббуси билан бу борада анчагина ишлар амалга оширилди.

- Тармоқда мингдан зиёд киши ишлайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш тадбирларини бажаришга жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларга асосланаяпмиз. - дейди бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Тельман Нарзуллаев. - Кейинги йиллардаги янги қурилишлар, таъмирлашлар ҳисобига барча корхоналарда иш шароитлари яхшиланди. Айниқса, «Зарафшон» базасида, Нарпай, Иштихон, Пастдарғом туманларида катта ижтимоий масалалар ҳал этилди. Деярли барча корхоналарда ишчи ошхоналари, ҳаммом, сауна, дам олиш хоналари каби қулайликлар мавжуд. Нарпай туманидаги корхона раҳбарияти ишчилар учун корхона ҳисобидан доимий иссиқ овқат ташкил этди. Бундай имтиёзларнинг харажатлари асосан ёрдамчи хўжаликлар ҳисобидан қопланаяпти. Ёрдамчи хўжалик ишини йўлга қўйиш борасида пастдарғомликлардан ибрат олса бўлади.

Пастдарғом туман «Агрокимётаъминот» корхонасида ижтимоий масалалар анча йиллар илгари асосан ҳал этилган эди. Фақат молиявий танқислик туфайли ҳозир айрим мураккабликларга дуч келинмоқда.

- Очиғи, қишлоқ хўжалигидаги умумий иқтисодий аҳвол корхонамизнинг молиявий ҳолатига таъсир қилмай қолмади. Бундай вазиятда қўшимча имкониятларни қидириб топишга мажбурмиз, - дейди Пастдарғом туман «Агрокимётаъминот» корхонаси раҳбари Мусурмон Ғаффоров, - Чунки биз ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш билан бирга меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этишимиз керак. Шу боис туман ҳокимининг ёрдами билан қўшимча ер топиб, 83 гектар майдонда ёрдамчи хўжалик ташкил этдик. Ҳозир 40 гектарда ғалла, 40 гектарда пахта, шунингдек, сабзавот, полиз етиштирилмоқда. Бундан ташқари, ёрдамчи хўжаликдаги қўйлар сони 200 бошдан ошди. Шу билан бирга корхонада ўнлаб қўшимча иш ўринлари ташкил этдик. Қўшимча ва ёрдамчи тармоқлардан олинаётган даромад асосий фаолиятда барқарор иш юритишга, ижтимоий масалаларни ҳал этишга, ишчилар манфаатдорлигини оширишга, қўшимча имтиёзлар жорий қилишга имкон бермоқда.

Имтиёзлар хусусида сўз очилган экан, ўрни келганда кўпдан бери кўнгилни қийнаётган бир саволни ўртага ташламоқчиман. Маълумки, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган самолётларни бошқарадиган учувчилар учун нафақага чиқиш, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида катта имтиёзлар белгиланган. «Агрокимётаъминот» корхоналари ходимлари учун ҳам шунга тенглаштирилган имтиёзлар жорий қилиш мумкин эмасми? Албатта, бу масалани пухта ва катта миқёсда муҳокама қилиш зарур.

Умуман, Самарқанд вилоят «Агрокимётаъминот» ДХЖ корхоналарида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, қониқиш ҳосил қилдик. Чунки вилоят бирлашмаси раҳбари таъкидлаганидек, ишга онгли ва ижодий муносабат қарор топтирилмоқда.Тараққиёт пиллапояларидан юқорилашнинг биринчи ва асосий шарти мана шундадир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ёзёвон туманидаги «Хонобод» жамоа хўжалиги 2-бригадаси аъзолари катта маррани кўзлашган. Улар 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштиришга азму қарор қилишган.

Шу кунларда бригада пахта далаларида иш қизғин, ғўза қатор орасига ишлов бериш, суғориш ишлари оби тобида олиб борилаётир. Бунда албатта бригада етакчиси Зубайдахон Исломованинг ғайратшижоати қўл келмоқда.

Суратда: бригада бошлиғи З.Исломова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Болалар ёзи сўз ўтсин

БЕШ ФОИЗИНИ ТЎЛАЙДИЛАР

Халқимизнинг азал-азалдан болапарварлиги, юртимизнинг боланонлигини назарда тутадиган бўлсак, келажагимиз буюклигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, халқимиз меҳр-саховат ва мурувватни барча нарсадан устун кўя оладиган, ҳар қандай шароитда ҳам болалардан чексиз меҳрини аямайдиган халқ. Ана шу олижаноб меҳр ҳар йили ёз фасли келиши билан янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Келажагимиз бўлган азиз фарзандларимизнинг сўлим оромгоҳларда мазмунли дам олиши учун ғамхўрлик қилиш Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ҳар йили ёз фасли бошланишидан олдин вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан болаларнинг ёзги дам олишларини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича қўшма қарор қабул қилинади.

Бозор иқтисодиётининг мавжуд қийинчиликларига, нарх-наволарнинг ошиб боришига қарамай болаларни соғломлаштиришга енгиллик туғдириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг қарорига асосан ота-оналар йўлланмалар нархининг 5 фоизини тўлайдилар.

1998 йили оила-йил»и соғломлаштириш мавсумида 23600 нафар ўғил-қизларимизни соғломлаштириш режалаштирилган.

Ўтган йили мавсумда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар бу йил қайтарилмаслиги, болаларимизни мароқли дам олдириб, соғломлаштириш учун, қатор тадбирлар белгиланди.

Вилоятимизда «Сина», «Вахмивор», «Беш булоқ», С. Раҳимов номли оромгоҳларда ишлар яхши ташкил этилди.

Айрим оромгоҳларимизда ёрдамчи хўжалик бўлиб, ўз-ўзини чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Т. ИСЛОМОВА.

Мустақиллик одимлари

Ўзбекистон–автомобил ишлаб чиқарувчи давлат

Уч йил бурун Андижон бикинига жойлашган Асака шаҳарчасидаги «ЎзДЭУавто» автомобилсозлик заводида дастлабки енгил автомобил ишлаб чиқарилди.

Бу воқеа жўшқин-тезкор дунёмизда фавқулодда ҳодиса сифатида қабул қилинди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: уч йилдан сал кўпроқ вақт ичида ўта замонавий завод қуриб, юксак малакали кадрларни таёрлашга ҳар қандай давлат ҳам қодир бўлавермайди!

Бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб шароитда Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарадиган саноқли мамлакатлар қаторидан дадил ўрин олди!

Ҳозир бу завод кундан-кунга ишлаб чиқариш суръатини оширмоқда. Андижон вилоятининг ўзида машиналар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Бу - мантиқий ҳол, албатта. Чунки ҳар қандай ишлаб чиқариш мажмуи, айниқса ҳудудий жиҳатдан ихчам бўлиши керак!

Ҳозир минглаб шинам ва ихчам «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобилларини Ўзбекистон йўлларидагина эмас, Марказий Осиё давлатларида, Европада учратиш мумкин.

Мамлакатимизда бу машиналарга ҳамма меҳр қўйган. Улар фойдаланишда қулайлиги, чиройи ҳамда, энг муҳими - тежамкорлиги ва ишончлилиги билан одамлар назарига тушган. Мисол учун, «Тико»да бир бак бензин билан Тошкентдан Самарқандга бориб келиш мумкин. Бу - 600 километрлик масофа деган гап.

Катта спортда бир ҳақиқат мавжуд: юксак натижага эришиш учун кучлилар билан мусобақа қилиш керак. Бу ҳақиқатни автомобилларга ҳам жорий этса бўлади. Шинам «Нексия»га бир марта ўтирган одам бошқа машинага қарамай қўяди.

Еки, мисол учун, 8 ўринлик «Дамас»ни олайлик. У серфарзанд оилалар, деҳқонлар, ишбилармонлар учун ҳақиқий топилма. Чунки, унда бозорга ҳам, ишга ҳам, меҳмондорчиликка ҳам борилаверади!

Бугунги куннинг Ўзбекистонга хос яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ёш, чиройли қизлар автомобил оқими орасида жимит «Тико»ларни ишонч билан бошқариб бораётганини кўриб, кўзингиз қувонади.

Бу мисолларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги тобора ўсиб бораётгани, у тараққиётнинг бутунлай янги босқичига кўтарилаётганидан далолатдир.

Сервис - сердаромад ва зарур иш. Айниқса, автомобил сервиси. Шунинг учун ҳам, республикамизда ҳамма жойда машиналарга техник хизмат кўрсатиш станциялари тармоғи барпо этилмоқда. Тошкентнинг Юнусобод туманидаги 3-Техник хизмат кўрсатиш станцияси ана шулардан биридир. У Асака заводи ишга туширилиши билан очилган эди.

Станция «ЎзДЭУавто» заводи ишлаб чиқарган автомашиналарни техник жиҳатдан таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган энг замонавий жиҳозга эга. Бу ердаги ташхис маркази, кузов цехи, турли моделдаги автомобиллар учун бўёқ танлаш бўйича лаборатория жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради.

Станцияда 140 киши меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги Жанубий Кореяда ярим йил тажрибадан ўтиб келган. Демак, мутахассисларнинг малакаси юксаклигига шубҳа йўқ.

Шу ернинг ўзида автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш бўйича салон ишлаб турибди. Бу ерда сотиб олинган машиналарга кафолатли хизмат кўрсатилади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да! Фирма кафолат беради...

Яна бир хушхабар. Ўзбекистон ҳукумати қарори билан республикамиз фуқароларига сотиладиган автомобиллар нархи анча туширилган. Бундан буён машиналар сўмда ва харидорни «чақмайдиган» нархда мунтазам сотилади.

- Нексиянинг баҳоси 220 минг сўмга камайтирилди, - дейди станция директори Миродил Мирзоҳидов. - Бу - республика Марказий банки курси бўйича 2400 АҚШ долларидан ортиқдир. «Дамас»нинг нархи 130 мингга, «Тико»нинг нархи эса 90 минг сўмга арзонлаштирилди. Автомобил сотишнинг жаҳон тажрибаси машиналарнинг нархини туширишдан иборат». Лекин, бошқа нарсалар - энг юксак сифатли олтинимиз, бой мамлакатлар ҳам сотиб олаётган самолётларимиз ҳам бор эди. Энди навбат автомобилсозликка етди.

Узимизга дунёда нечта мамлакат машина ишлаб чиқаради, деган савол бериб ўтирмаймиз. Улар саноқлигина. Асакадаги завод XX1 аср заводи деб ҳисобланаётгани бежиз эмас. Сайёрамиздаги барча қитъа кишилари бу машиналарда юришига аминман!

Рустам ШАГАЕВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: Юнусобод туманидаги автосалонда.

Муаллиф олган сурат.

Касаба уюшма ҳаёти: жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ТИББИЙ КЎРИК ШАРТ

Корхонанинг энг катта бойлиги унинг ходимларидир. - Зангиота туманидаги «Қўйлиқ» хусусий деҳқон-фермер хўжалигида жамоага худди шундай муносабатда бўлинмоқда. Ишчи-хизматчилар корхона фаолиятининг мувафқияти гарови деб билган ҳолда уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга, касб маҳоратларини, иқтисодий саводхонлигини, умумий маънавиятини оширишга, меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжалигида жамоа шартномаси ярим йиллигининг якунлари билан танишар эканмиз, юридик ҳужжатдаги қуйидаги жумлани келтиришга қарор қилдик: «Шартноманинг асосий вазифаси ҳар иккала томон яъни хўжалик маъмурияти ва меҳнат жамоаси мажбуриятларини бажаришда хўжаликни ишлаши учун тўлиқ шароит яратиб бериш, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини оширишдан иборат».

Биз ишлар билан танишар эканмиз бу ерда иш ва сўз бирлигига эришилаётганининг гувоҳи бўламиз.

1998 йилда 650 тонна помидор, 65 тонна бодринг, 60 тонна сабзавот етиштирилди. Бунинг натижасида ярим йилда 58 миллион сўмга яқин даромад олинди. Йил охиригача ялпи даромадни 100-120 миллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

Ана шу даромад ҳисобидан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларга маданий-маиший шароитлар яратиб бериш, соғломлантириш юзасидан маълум ишлар қилинди. Жамоа шартномаларида белгиланган моддалардаги имтиёзлар ижроси юзасидан қатор амалий ишлар амалга оширилди. Хўжаликда ишлаётган ҳар бир ходимни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан овқатланиш учун ҳар ой 1200 сўмдан пул берилмоқда. Ўртача ойлик салкам тўрт минг сўмни ташкил этмоқда. Иш ҳақи ҳар ой белгиланган муддатларда тарқатиляпти.

Жамоа шартномасида бир қатор муҳим жиҳатлар ўз аксини топган. Унда кўплаб имтиёзлар белгиланган. Шу билан бир қаторда талаблар қўйилган. Режа ва ишлаб чиқариш бўйича белгилаб берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, хўжалик мулкини асраб-авайлаб сақлаш ва ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат интизомига, техника хафсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қонун-қоидаларига амал қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Корхонада юқори самарадорлик билан ишлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ишчи-хизматчи ўз вазифасини тўла уддаласада яна ўриндошлик билан ишласа асосий иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ҳақ қўшиб берилади. Шунингдек, иссиқ пайтда ишлаганлик учун 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Ходим ишлаётган иш жойида иш ҳажми кўпайиб кетса, шароитга қараб 30 фоизгача устама ҳақ ёзилади. Моддий ресурслар тежалган тақдирда ўша ходимга тежалган маблағнинг ўн фоизини ҳақ сифатида бериш йўлга қўйилган.

Жамоа шартномасининг VIII бўлими олтинчи моддасида шундай дейилади: «Маъмурият йил давомида ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ишчи-хизматчилар учун арзон саноат ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этишни йўлга қўяди». Ана шу шартга мувофиқ бу йил ишчи-хизматчилар учун арзон нархда турли озиқ-овқат моллари олиб келиб сотилди. Бу ҳам ходимларни ижтимоий ҳимоялашда муҳим яхши иш бўлди.

Корхонада жамоа шартномасига мувофиқ ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш мақсадида моддий рағбатлантиришнинг турли шаклларидан фойдаланилмоқда. Масалан, ғар-созловчиларга, озонхона ишчиларига ойлик давомида авариясиз ишлаш таъминлаганлик учун асосий иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда, навбатчиликда бўлган ходимларга асосий иш ҳақининг 30 фоизигача миқдорида қўшимча тўлаш ҳам йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчилар ўз вақтида бажарилмоқда.

Хусусий деҳқон хўжалигида таътил беришда ҳам ҳаққа хос ечимлар қилинган. Уч йилдан беш йилгача меҳнат стажи бўлганларга уч кун, беш йилдан ўн йилгача ишлаганларга беш кун, ўн йилдан кўп корхонада ишлаганларга олти кун қўшимча таътил берилади. Икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлган оналарга ҳам ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилиб, йўлга қўйилган.

Жамоа шартномасининг XII бўлими меҳнат муҳофазасига бағишланган. Ишлаётган хўжалик ишчиларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Санитария-гигиена талабларининг қатъий бажарилиши учун етарли моддий маблағлар ажратилган. Оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш чоралари юзасидан бир неча банд киритилган.

«Қўйлиқ» хўжалигида ишчи-хизматчилар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга жуда катта эътибор берилади. Бу эса жамоа шартномасида ўз аксини топган. Корхона жуда кучли тиббий қисмга эга бўлган Ўзбекистон автомобил транспорти корпорацияси билан шартнома тузган. Ишчи-хизматчилар ана шу соҳа тиббий қисми барча тиббий хизматчиларидан бахраманд бўлишмоқда. Жамоа шартномасида барча ишчи-хизматчиларнинг ҳар йили профилактик тиббий кўрикдан ўтишлари шарт қилиб қўйилган. Бу эса уларнинг соғлиқларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжатда маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ходимларнинг эҳтиёжига яраша даволаниши учун йўлланмалар сотиб олишни таъминлаши ҳам зикр этилган.

«Қўйлиқ» деҳқон-фермер хўжалиги 82 гектар ерга эга бўлиб, унинг 20 гектарини иссиқхоналар ташкил этади. Унда 300 нафардан кўпроқ киши хизмат қилмоқда. Ҳар йили 1600-1800 тонна турли сабзавот ва қўқатлар етиштирилмоқда. Йиллик ўртача ялпи даромад 120-130 миллион сўмни ташкил этаяпти. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор бермоқда.

Будир ПЎЛАТОВ.

1998 йил — Оила йили

Одамийлик сабоқлари

«НАЗОФАТ–ЧИН ИМОН АЛОМАТЛАРИДАНДУР»

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Ислом динининг илк даврлариданоқ табиат муҳофазаси, наботот ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга катта эътибор берилиб, мусулмонларни мана шу хайрли ишга даъват этиб келинган. Аллоҳ таоло табиатни қатъий мезон билан яратган. Бу борада Қуръони каримда **«Унинг ҳузурида барча нарсалар ўлчовлидир»**,-деб марҳамат қилинади. Биз мана шу ўлчовли нарсалар мезонини бузадиган бўлсак, зарарлар кўришимиз табиий ҳолдир. Шу боис атроф-муҳитни, наботот ва ҳайвонот оламини асраб-авайламоқ барчамизнинг бурчимиздир. Наботот олами Аллоҳ таолонинг ер юзидаги инсонлар учун ато этган улуғ неъматларидан бири бўлиб, усиз ҳаётни тассавур этиб бўлмайди. Бу борада Қуръони каримда шундай баён қилинган: **«Инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб кўйсинчи! Биз (Осмондан) сув-ёмғирни куйдирдик. Сўнгра ерни (гиёҳлар билан)** ёрдик. Сўнг Биз ундан дон-дунни, узум ва кўкатларни зайтун ва хурмоларни, қалин дарахтзор боғ-роғларни, мева-чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва молларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб кўйдик-ку!»

Аллоҳ таоло инсонни яратиб, руҳ билан бирга ақлидрок бахш этган. Ақлли, ҳушёр инсонлар зиммасига атроф-муҳитни тоза ва покиза сақлаш ҳамда табиатни муҳофаза этишдек катта масъулиятни юклаган. Бу масъулиятни инсон азалдан баҳоли қудрат бажо этиб келади.

Она табиатни муҳофаза этиш Ислом динининг таълимотларидан бири ҳисобланишига ҳам ана шу илоҳий мажбурият сабаб бўлган.

Ислом дини яшаб турган жойларимизни тоза, озода бўлиши, ичимлик сувимизни беғубор, ўзимизни эса покиза юришимизга буюради. Поклик инсон зеҳнини ва иродасини мустаҳкамлайди. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилиб: «Аллоҳ таоло барча нуқсонлардан муназзаҳ ва бенуқсон нарсаларни дўст тутадир. Унинг ўзи пок ва покизаликни хуш кўради. Унинг карами кенг, саховати чексиз, саховатли бандаларини дўст тутар. Шунинг учун ҳам эй умматларим, хонадонингиз ва унинг атрофларини озода ва сариштa тутинглар!»- деганлар.

Иккинчи бир ҳадиси шарифда эса: «Покизалик ва поклик имоннинг ярмига тенг келадур»- десалар, яна бошқасида: «Назофат - чин имон аломатларидандур»,- дейдилар.

Маълумки, асрлар бўйи мусулмонлар ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг шарафли бурчлари деб билиб келганлар. Ҳозирги кунимизда озодалик ва покизаликка риоя қилиш жуда муҳим аҳамият касб этажак вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳадиси шарифда айтилишича Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир мақомда ёввойи ҳайвонларни аёвсиз қиришни манъ қилганлар. Гиёҳ, дарахт ва ҳайвонларни сақлаш учун «ал-Буж» деган жойда тарихда илк бор қўриқхона ташкил қилдилар. Бу эса табиатни муҳофаза қилиш мусулмонларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини билдиради.

Маълумки, Орол денгизи ҳавзаси қуриб, экологик жиҳатдан хавф-хатар туғдирмоқда. Ундан ҳавога учган заҳарли туз моддаси инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарарлидир.

Бу борада Республикамизда тузилган Халқаро экологик ва саломатлик ЭКОСАН жамғармаси бир қанча хайрли ва ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бизлар бу иш уларнинг вазифаси деб, қараб турмасдан, бу хайрли ва савоб ишда барча ҳамюртларимизнинг фаол иштирок этишларига чақирамиз.

Аллоҳ таоло барчаларимизнинг Она-Ватанимиз табиатини асрашдек умуминсоний бурчларимизни шараф билан адо этишда ҳамма фидоий кишиларга инсофу-тавфиқ ва ажру савоблар ато этсин.

Ҳожи АБДУРАЗЗОҚ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

Болаларингиз билан бирга ўқинг!

XO'ROZNING TOJI

(ertak)

Bir bor ekan, bir yo'q ekan. Shunday zamonlar bo'lgan ekanki, burgutlar va lochinlar xo'rozdan cho'chishgan ekan. Xo' rozning qizil tojini juda xatarli deb nisoblasharkan. Bir kuni ular buni aniqlash uchun o'zlarining ichida eng kichigi bo'lgan birgutga topshiriq berishibdi. Kenja burgut tinhlik elchisi sifatida yerga qo'nibdi va xo'rozni ko ribdi. U o'z oilasi bilan atrofni aylanib yurgan ekan. Xo'rozga yaqin kelib debdi:

- Burgutlar shohi siz bilan do stona aloqalarini yo'lga qo'- ymoqchilar. Lekin hammamiz shohingizdan qo rqamiz. Bu gaplarni eshitgan xo roz kulib debdi: Mening tojim hayvonlarning shohiga o'xshab qattiq emas, u juda ham yumshoqdir. Ishonmasang ushlab kor, keyin hech ham qo'rqmaydigan bo lasan. Kenja burgut avvaliga qo'rqibdi, ammo xo'roz takror-takror aytganidan keyin uni ushlab ko'ribdi. Xo'rozning toji haqiqatdan ham yumshoq ekan. Undan qo'rqmasa ham bo'lar ekan. Hamma narsadan xabardor bo'lgan burgut tog sari ko'tarilibdi. Uning ko'zlari maysalar orasida o'ynab yurgan jo'jalarga tushibdi. Endi xo'rozdan cho'- chimaydigan burgut jo'jalarning bir nechtasini changaliga olib do'stlari tomonga uchibdi. Burgutlar va lochinlar qoshiga kelgach, maqtanib debdi: Ko'rib qo yinglar, men xo'rozning bolalarini olib kelayapman. U qo'rqinchli emas ekan. Toji ham yumshoq bo'lib, unda salobat bagishlab turarkan. Shundan buyon burgutlar va lochinlar tovuqlar va jo'jalarga gujum qilishni odat qilishgan ekan. Xo'roz esa ular bilan jang qilishga shaylanarkan.

Ertak ham tamom-vassalom. Uni yozganlar gam, o'qiganlar ham vurodiga yetsin.

Bahriddin TURGUNOV,
tayyorladi.



Қариси бор уйнинг...

ОРОЛИМ

Дунёнинг дардида ўтиб бораман,
Ўзбегим ташвишида кетиб бораман.
Тинглагин, Оролим, айтайин дилдан,
Оллоҳдан умрингни сўраб юраман.
Кетмагин, Оролим, бизларни ташлаб,
Кетмагин, Оролим, юрагим ғашлаб.

Аждарҳо йилининг қисмати аён,
Ўтмишда неча бор этилган баён.
Шиддатинг тиндику, кетдинг сен қаён,
Чақдиму танангни заҳарли чаён?
Кетмагин, Оролим, бизларни ташлаб,
Кетмагин, Оролим, юрагим ғашлаб.

Шаштидан тушдилар хун бе ёқимлар,
Юртимдан қочдилар баъзи оқимлар.
Қаддингни дол этди ўша малъунлар,
Сен ҳамон озасан, ўтади кунлар.
Кетмагин, Оролим, бизларни ташлаб,
Кетмагин, Оролим, юрагим ғашлаб.

Оролим, армоним дардингни олай,
Ўзбекистон бўлиб аслимда қолай.
Жўшгин, хонимоним сендан айланай,
Мен ҳам бир сой бўлиб сенга бойланай.
Кетмагин, Оролим, халқингни ташлаб,
Кетмагин, Оролим, юрагим ғашлаб.

Аслихон ЭРГАШЕВ.

XANDALAR

Kutubxonachi: - Bu noyob kitob, bizda uning faqat bitta nushasi bor. Uni o'qib bo'lgandan keyin nima qilasan?

O'quvchi: - Yopib qo yaman.

****

- Shakarning foydasi to'grisida nima bilasan?

- Shakar quloqlar uchun juda foydalidir.

- Quloqlar uchun?!

- Ha, mening ukam shakar yeganida baqirmaydi ham, yiglamaydi ham. Quloqlarim dam oladi.

****

Bir kuni hovlida o'ynab yurgan bola xo'rozni ko'rsatib, otasidan so'radi:

- Ada, xo'rozning ham tugilgan kuni bo'ladimi?

- Xo'rozning tugilgan kuni bo'lmaydi, chunki u tunda tugilgan.

- Shuning uchun xo'roz tunda qichqirar ekan-da!

****

Ona: - O'glim, men gapirganda gap qo'shish yaxshi emas. Bu odobsizlik bo'ladi.

O'gil: - Yaxshi, oyijon. Endi siz gapirganda sabr qilaman, uxlaganingizda gapiraman.

****

Hayvonot bogining maymunlar saqlanadigan qafasi yonida kichkina bolalar o'zaro bahslashar edilar:

- Nega orangutanni qamoqda saqlaganday qafasda tutishadi.

- Uni shunday tarbiyalashadida, keyin odam bo'lib chiqadi.

Bahriddin TURGUNOV.

Психолог минбари

БИР-БИРИМИЗНИ ТУШУНАМИЗМИ?

Турмуш қуриш, шу турмушни мустаҳкам бўлиши ҳар бир жамият олдида турган муҳим ва долзарб масалалардандир. Ёшларни турмушга тайёрлаш уларни руҳий томондан тайёрлаш билан ҳам боғлиқдир, чунки ҳар бир мустақил шахсда бўлувчи руҳият турмуш қуриш давомида бир-бири билан чиқиша оладиган, бир-бирини тушуна оладиган бўлиши ҳам керак. Оилада энг асосий нарса бир-бирини тушуниш, қадрлаш, эъзозлаш ҳурмат қилиш эканлигини тушуниб бориш натижасида оилада ажойиб кайфият, яхши муҳит қарор топтириб бориш оила гўзаллиги, оилада юзага келадиган айрим ҳолатларда ҳам сабр-тоқатли бўлиш ва оилани сақлаб қолиш кераклиги билан бир вақтда ёшларимизни ахлоқий томонлари билан боғлиқ бўлган самимийлик, камтарлик, хушмуомалалик, тўғри сўзлик, дилкашлик, меҳнатсеварлик тўғрисида тушунчалар бериб борилиши керак.

Муҳтарам муштарий. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган тест саволларимиз оилада тинчлик, барқарорликни сақлаш борасидаги интилишларингиздан сўзласа ажаб эмас.

Ф. АБДУРАҲМОНОВА.

ОИЛАДА ТИНЧЛИКНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК?

Очиқ кўнгил билан айтганда сиз кўпинча муҳим нарсалар ҳақида ўйлайсизми, масалан, оила масалалари бўйича? Балки нимадир юз берди, ўзгарди. Қайси нарсалар? Агар сиз ўзингизни синамоқчи бўлсангиз турмуш ўртоғингиз билан биргаликда қуйидаги саволларга жавоб бериб кўрингчи. Кейин натижани таққосланг.

Берилган ҳар бир тест саволига учта жавоб бор, шулардан ўзингизга мос келганини белгилашингиз керак. Шуларга асосан пастдаги тест калитидан жавоб оласиз.

1. Агар сизга яна бир марта ҳаёт йўлдошини танлаш имконияти берилганда сиз шу одамнинг ўзини танлаган бўлармидингиз?

а) Ҳеч маҳал.
б) Мен бу ҳақда ўйлаб кўрар эдим.
в) Фақат уни танлар эдим.

2. Сизга янги одамлар билан танишиш ёқадими ёки эскиларини ёқтирасизми?

а) Менга эски дўстларим ёқади,
б) Менга янги одамлар билан танишиш ёқади.
в) Гоҳида қандайдир ўзгаришлар ҳалақит бермайди.

3. Сизлардан ким кўпроқ оилада банд бўлади?

а) Менинг эрим (хотиним)
б) Табиий, мен.
в) Мен уй ишларига эътибор бермайман.

4. Сизнинг пул ҳақидаги фикрингиз?

а) Бу энг керак масала, фақат етишмайди.
б) Бунинг етишмаслиги оилавий масалаларга хавф солади.
в) Бу асосийси эмас, лекин унингсиз ҳамма нарса ҳал қилинмайди.

5. Сизни эрингиз (хотинингиз) ҳурмат қиладими?

а) Йўқ.
б) Менга кўпроқ раҳмат дейишса яхши бўларди.
в) Менинг ўзим уни ҳурмат қилармиканман?

6. Сизнинг эрингиз (хотинингиз) ташқи кўринишингизга эътибор берадими?

а) Ҳар доим мендан камчилик топади.
б) унга ҳаммаси барибир.
в) Ҳар доим қизиқади.

7. Уй хўжалигидаги олиб борилаётган ишлардан қониқасизми?

а) Ҳа, шунчаки.
б) Ҳа.
в) Буни рўзғор деб бўлмайди.

8. Сизнинг эрингизнинг (хотинингизни) ота-оналари билан муносабатингиз қандай?

а) Улардан қочишга ҳаракат қиламан.
б) Уларни ҳурмат қиламан.
в) Мен уларни яхши кўраман.

9. Сизга оилангиз билан байрамларни ва дам олиш таътилини бирга ўтказиш ёқадими?

а) Бундан ўзгани тасаввур қила олмайман.
б) Менга барибир,
в) Йўқ, бу зерикарли.

10. Сиз ўз уйингизни гўзал бўлишига интиласизми?

а) Мени бундан ҳам кераклироқ ишларим бор.
б) Ҳа, ҳар доим, қачон вақтим бўлганда.
в) Бу ҳақда гоҳида ўйлайман.

Пастда сиз танлаган жавобга асосан баллар ёзилган жадвал бор. Шу жадвалга асосан ҳар бир танлаган жавобингизга балл оласиз. Масалан, биринчи саволнинг а) пунктини танладингиз, яъни сизнинг жавобингиз шу пункт бўлди. Демак, сиз 1 саволнинг а) пунктини танлаганингиз учун 3 балл олгансиз. Агарда б) пунктни ёки в)ни танлаганингизда шунга асосан б) учун - 2 балл в) - учун - 1 балл олган бўлар эдингиз. Шу тарика 10 та саволнинг ҳаммасига биттадан жавоб танлайсиз.

Баллар:

Саволлар:	1,	2,	3,	4,	5,	6,	7,	8,	9,	10
а)	3	2	1	3	3	2	2	3	1	3
б)	2	3	3	1	2	3	1	2	2	1
в)	1	1	2	2	1	1	3	1	3	2

21-30 баллгача: Сизнинг турмушингизда қандайдир қониқарсизлик бор. Булардан кўриниб турибдики, сиз билан ҳаёт кечира олиш қийин ва ҳавас қиладиган эмас. Қачондир эрингизни (хотинингизни) сабри, тоқати тугаши мумкин.

15-20 баллгача: Умуман сизнинг оилангиз тинч, лекин ўртада совиқликлар ҳам бўлиб туради. Муносабатлардаги айрим вақтларда юз берадиган муҳим муносабатлар оилани мустаҳкамлашга олиб боради.

14 ва ундан кичик баллар: Сизнинг турмушингиз жуда яхши. Бир-бирингизни кўзингиздан, ярим гапингиздан тушунасиз. Лекин тўлиқ тушуниш ҳам зерикарли бўлиб қолиши мумкин. Қандай ўйлайсиз, ҳаётингиздаги айрим ўзгаришлар сизга зиён қилмасмикин?

ТАМАКИДАН ҚУТУЛИШ МУМКИН

Кашанда (чекувчи) фақат ўзига эмас, балки атрофдагиларнинг ҳам соғлигини ёмонлаштириб, умрини сезиларли даражада қисқартиради, иш қобилиятини ва хотирасини пасайтиради. Аслида никотинизм ҳам наркомания (гиёҳвандлик) касаллигиниинг бир туридир.

Тамакининг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, унинг баргида жуда кўп зарарли моддалар бўлади. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, сигарета чекилиб, чекувчи тутунни ичига тортаётган вақтда сигаретанинг учидаги ҳарорат 600 градусгача етади. Тамаки тутуни таркибида 300 га яқин заҳарли моддалар бўлади.

Кунига бир қутидан сигарета чекадиган одамда 20 йил давомида фақат нафас йўлларига тахминан 6 кг соғлиқ учун зарарли ва хавфли бўлган моддалар тушади. Улардан энг асосийлари никотин, ис гази, цианид водород, фармальдегид, азот оксидлари, фенол, мишьяк, аммиак, водород сульфид, ацителен, канцероген катрон, гербицидлар ва инсектицидлар, радиоактив элементлар (полоний-210, кўрғошин, қалай, висмут) олтингугурт, сирка кислота, цианид кислота, бензоприн, коракуя ва бошқалар. Кўпчилик олимларнинг фикрича никотин тутуннинг энг заҳарли таркибий қисми ҳисобланиб, оғиз бўшлиғи ва бронх шиллиқ қаватларига яхши сўрилиб қонга ўтади. Шу жумладан бош айланиши, кўнгил айниши, қусиш, сўлак оқиши, бош оғриши, безовталаниш, бўшашиш, юракнинг тез-тез уриши, рангнинг оқариши, ич кетиши, совуқ тер босиши, ҳушдан кетиши, баъзан кўриш, эшитиш қобилияти бузилиши, мушакларнинг (мускул) тиришиши ва бошқалар никотин билан енгил заҳарланиш аломатидир.

Чекиш эркак ва аёл жинсий аъзоларига салбий таъсир кўрсатади. Чекадиган эркакларда сперматозоидлар ҳаракатчанлиги (демак, уруғлантириш қобилияти) тахминан 1,5 баравар пасайиб кетиши аниқланган. Никотин жинсий аъзолар фаолиятини бошқариб турувчи орқа миянинг белда жойлашган қисмига салбий таъсир қилар экан. Сексопатологларнинг кузатишларича, чекиш мижозга, айниқса, мижози сустроқ ёки заифроқ бўлган кишиларга салбий таъсир кўрсатади. Никотиннинг тухум хужайраси ва ҳомилага таъсир қилиши кузатилган. Шунинг учун аёл кишининг чекиши насл учун доимо хавфли бўлиб ва чекишга эрта одат қилганда бу хавф айниқса кучаяди. Эркак киши чекаётган даврида ҳосил бўлган жинсий хужайралар хавф остида бўлар экан.

Англиядаги Бирмингем Университети шифокорлари тамаки тутунидаги кимёвий моддалар эркак сперма структурасини (тузилишини) бузиб юбориши натижасида авлодида (наслида, уруғида) хавфли шиш (рак) келиб чиқишига сабаб бўлишини лаборатория текширишида исботлашган.

Тамаки моддалари ҳомиладорлик даврининг нормал ўтишига ҳам салбий таъсир этади. Аёл тамаки чекканида ёки унинг олдида бирор одам чекканда заҳарли моддалар она қорнидаги ҳомила қонига ўтиб қон орқали тезда тўқималарга етиб боради. Натижада ҳомиланинг юрак уриши тезлашар экан. Чекувчи аёлларнинг йўлдошига қон кам келиб, ҳомила организми тўқималарида кислород етишмаслигига олиб келади, ҳомила тобора никотин билан кўпроқ заҳарлана бошлайди. Шунинг учун кўпинча чекувчи аёлларда ўз-ўзидан бола тушиши, боланинг ўлик туғилиши, ўсиш ва ривожланишида ҳар хил нуқсонлар кузатилади. Чала туғиш ва бошқа ҳоллар чекадиган аёлларда, чекмайдиган аёлларга қараганда 2-3 баравар кўпроқ кузатилар экан.

Кашанда аёл чақалоқни кўкрак бериб эмизиб боқса ҳам бола яхши ўсмайди. Олимларимизнинг таъкидлашича бундай онанинг бир литр сутида 0,5 мг никотин бўлиб бола вазнининг ҳар бир килограммига 1 мг (миллиграмм) никотин тўғри келиши эса гўдакни ҳалок қиладиган доза ҳисобланади. Кашанда аёл сутининг ҳиди ва мазаси ёқимсиз бўлиб, шунинг учун ҳам бола кўкракни эммай қўйиши, эмганда ҳам суст эмиши мумкин. Бундай эмизикли онанинг сути яхши келмайди, сут кам ишланиб чиқади, сути эртароқ йўқ бўлиб кетар экан.

Қиз бола чекишга қанчалик эрта ўрганса, тамаки тутунининг заҳари шунчалик заҳвфлироқ таъсир этади. Агар у балоғатга етмасдан аввал чекишга майл қилган бўлса, унинг организми яхши ривожланмайди, секин ўсади ва унинг ташқи кўринаиши ҳам бошқача бўлиб қолар экан. Ашаддий кашанда аёл, қиз, йигит, эркакнинг ранги кўкиш, заҳил бўлади.

Барвақт чекиш кўпинча қизларда ҳайз кўришнинг изидан чиқишига сабаб бўлади.

Чекувчи аёллар ва қизларда иффат, назокат, ҳаё йўқолади. Баъзи маълумотларга қараганда чекувчи аёлларда жинсий майл кучайиб кетади, бу эса ҳар хил бўлмағур бузилишларга олиб келади.

Уларнинг бадани сарғайиб, майинлиги йўқолади, ранги 'сарғиш - кўкимтир тусга киради, ажин тушади. Уларнинг овози тобора дағаллашиб боради, боши тез-тез оғриб туради, нафаси сиқади, титраш, юракнинг тез-тез уриши ва санчиб оғриши, қон босими кўтарилиши мумкин.

Чекувчи аёлларда юрак инфаркти касаллиги эркакларникига қараганда 3 марта кўп учрар экан.

Немис врач-гнекологи П.Берихординг маълумотига кўра, чекувчи аёлларнинг 41,5 фоизида фарзандсизлик кузатилади.

Чехословакиялик бир шифокор ҳомиладорликда битта сигарета чекилганидан кейин қориндаги боланинг тириша бошлаганини, юрак фаолияти эса меъёрдан анча кучайганини исботлаган.

Педиатр Юзи М. Росси ҳар куни 10 донадан ортиқ сигарета чекадиган ҳомиладор аёлларнинг 40 фоизидан ортиғи талваса ва эпилепсиянинг тез-тез тутадиган хуружига мойил болалар туғишини аниқлаган. Кўп чекадиган аёллардан туғилган болалар, туғилгандан кейин ҳаётининг биринчи 3 ойида никотин етишмаслигидан йиғлар экан, чунки улар она қорнида никотинга ўрганиб қолган бўладилар.

Аёллар ва ўсмирларнинг асаб, юрак-томир тизими турли заҳарлар, айниқса никотин таъсирига ўта сезгир бўлади, шу боис чекиш улар организми учун жуда зарарлидир. Чекадиган ўқувчиларнинг хотираси сусаяди, бирор нарсага диққат қилолмайди, ланж, дангаса бўлади, буларнинг ҳаммаси дарсларни яхши ўзлаштира олмасликка олиб келади. Болалар, ўсмирлар, аёллар хоналарида чекиш сира мумкин эмас. Тамаки чекилган хоналарда улар безовта бўладилар, ёмон ухлайдилар ва никотиндан ўткир заҳарланганлиги маълум.

Шундай қилиб, никотинизм, яъни тамаки маҳсулотларининг ҳамма турларини чекиш кони зарар, бу ярамас одат турли касалликларга (юрак ищемияси, ўпка ва нафас йўлларининг сурункали шамоллаши, ошқозон ва 12 бармоқли ичақда яра пайдо бўлиши, жинсий заифлик, асаб, жигар ва бошқалар.) бевақт ўлимга сабаб бўлади. Демак, чекишни бошлаган киши бу зарарли одатни қанчалик эрта ташласа, саломатлиги ва оиласи учун шунчалик яхши бўлади.

Чекишдан қутилишнинг бир нечта йўли (усуллари) мавжуд.

Биринчидан, ўз иродангиз билан чекишни ташлайсиз. Иккинчидан, агар чекишсиз тура олмайдиган бўлсангиз, унда қуйидаги даволаниш усулларининг бири билан бу балодан қутиласиз.

1. Доривор ўтлар йиғма чой дамламаси.
2. Доривор ўтлар йиғма чой бальзами.
3. Доривор ўтлар қайнатмаси.
4. Доривор ўтлар настойкаси.
5. Доривор ўтлар экстракти (Ҳиндистон, Англия)
6. Игна санчиб даволаш.
7. Психотерапия.
8. Гипноз билан даволаш.
9. Никотинга қарши «атир»ни ҳидлаш (Хитой)
10. Чекиш хуморини қайтарадиган доривор ўтларни чекиш (габрез ва бошқалар).
11. Никотинга қарши чайнайдиган резинка сақич (Ереван)
12. Асил мумиёдан тайёрланган витаминлаштирилган конфетларни чайнаш (Москва).
13.Асалари мумини чайнаш
14. Жисмоний меҳнат, бадантарбия, спорт, туризм билан шуғулланиш ва бошқалар).
15. Шифокор-нарколог тавсияси билан чекишни ташлашни енгиллаштирувчи дори-дармонлардан, уколлардан фойдаланиш ва бошқалар.
16. Халқ табобати усули билан даволаниш ва бошқалар.

Тамаки чекишни ташламоқчи бўлган ёки ташлаган киши ҳар ҳолда шифокор-наркологга учрашгани маъқул. У дори-дармонлардан, психотерапия ва бошқа усуллардан фойдаланиб ёрдам беради. Чекишни ташлашда ўз ҳолича дори ичиб даволанмаслик керак. Чунки бундай дориларнинг деярли ҳаммаси организмга кучли таъсир этувчи дорилар бўлганлигидан юракни, асабни ишдан чиқариб қўйиши мумкин.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

ЯНГИ ҲАВО КЎПРИГИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ — ДАККА — ТОШКЕНТ ЙЎНАЛИШИДА ҚАТНОВЛАРНИ БАЖАРА БОШЛАДИ

Бозор иқтисодиёти шароитида, табиийки, фойда келтирадиган йўналишлар излай бошланади. Янги қатнов очилишида ҳам айнан мана шу мезон асосий ўрин тутгани аниқ.

Бир йил муқаддам Тошкентда Бангладеш Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси ўтган палла республикамиз тадбиркорларининг ушбу мамлакатга қизиқиши яққол кўзга ташланган эди. 1997 йил мобайнида Бангладешдан импорт ҳажми 120,3 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Бангладешлик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар етказиб берган маҳсулот ва кўрсатган хизматларнинг умумий ҳажми эса 3 млн 300 минг доллардан ортди. Асосан, Бангладешдан юқори сифатли ва нисбатан арзон фармацевтика препаратлари, олий навли чой, кийим-кечак келтирилади. Бевосита ҳаво кўприги ишга тушгач денгиз маҳсулотларини экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлади. Демак, бу борада ўзига хос истиқбол борлиги кўзга ташланади.

Бангладешдан Европага ҳар йили ўрта ҳисобда уч миллион йўловчи бориб-келади. Биздан эса Лондон, Франкфурт, Москва, Амстердамга қулай қатновлар бажарилади. Ҳозирги вақтда Даккага МДҲдан ҳафтасига икки марта ТУ-154 ва ИЛ-62да «Аэрофлот» қатнайди, холос. Ўзбекистонлик авиаторлар эса ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий «Боинг»ларда парвоз бажаришади. Бу эса, транзит йўловчилар учун ҳам айнан бизнинг қатновимиз маъқулроқ эканидан далолат бериб турибди.

Бангладеш аҳолисининг аксарияти мусулмон динига мансуб. Туристик фирмалар вакиллари билан суҳбатларда мамлакатимизнинг қадимий дурдоналари, айниқса, мусулмон дунёсида ўзига хос мавқега эга Бухорога сафарлар уюштиришга алоҳида қизиқиш борлигига амин бўлдик. Бангладеш киноси, кўйқўшиқ ва рақсларига қизиқиш эса азал-азалдан борлиги барчага аён.

Шундай қилиб, 28 июнь куни тунги соат учдан ўн икки дақиқа ўтганда Валерий Тян, Азиз Қодиров, Турсунбой Эшмуҳамедов, Константин Калично бошқарган «Хива» номини олган «Боинг-767» самолётимиз Даккага йўл олди ва тўрт соатлик парвоздан сўнг Бангладеш пойтахтидаги ҳаво бандаргоҳига қўнди.

Бу ерда бизни тантанали равишда кутиб олишди. Митингда сўзга чиққан Бангладеш Халқ Республикаси ҳукумати ташқи ишлар давлат вазири Абул Ҳасан Чоудхари меҳмонларни қизғин қутлади.

Икки мамлакат расмий делегацияси раҳбарлари, шунингдек, ҳар икки томон тадбиркорлари ўртасида музокаралар ўтказилди.

Шундан сўнг Дакка — Тошкент қатнови тантанали равишда очилди.

Ортга қайтишда кема штурвалида бошқариб бораётган Азиз Қодиров билан суҳбатлашдик.

— Аввалари ТУ-154 ва ИЛ-62ларда Ҳиндистон ва Покистонга учганимиз учун бу томонларнинг осмони таниш. Фақат ўша эски тажрибани янгилаб олиш талаб қилинади. Икки-уч қатновдан сўнг бу йўналишни ҳам бутунлай ўзлаштириб оламиз. Чунки бу томонларда Европадагига нисбатан чақмоқ кўпроқ бўлади.

Шу тариқа «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси харитасида янги нуқта пайдо бўлди — Дакка!

Марзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,
Тошкент — Дакка — Тошкент.

Касби туманидаги Касби қишлоғида кулоллик ҳунарини қадимдан эъзозлаб келишган. Бу ерда истиқомат қилаётган баъзи кулоллар сулоласининг тарихи 600 йилгача етади. Касби кулоллари тайёрлаган буюмлар бири-биридан мукаммаллиги, чиройлилиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун улар ясаган буюмлар бир қанча халқаро кўргазмаларда совринли ўринларга сазовор бўлган.

Ҳозирги кунда касбилик кулоллар йигирма хилдан ортиқ кулоллик буюмлари тайёрлашмоқда. Айниқса, улар қадимий анъаналар асосида ясаётган тандир, хум, кўза, офтобалар эл орасида харидоргир бўляпти. Қишлоқда ўсаётган кўплаб ёш йигит-қизлар бу қадимий касбни ихлос билан ўрганишмоқда.

Суратда: тандирчи кулол Бозор Итолмасов ўғли Тўйчи билан тандир ясамоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Саховатли одамлар

ЭЛНИ СЕВГАННИ ЭЛ СЕВАДИ

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами

Ҳазрат Навоийнинг ушбу олтин сатрларини ўқиганингизда бугунги кунда иқтисодий янгиланиш самараларидан, таланти ва табиат ато этган қобилиятидан фойдаланиб ҳам оиласи, ҳам юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган, элга сояси тушиб дуо олаётган кишилар беихтиёр кўз олдингизга келади. Улардан бири Наманган шаҳрининг 2-проезд Норин кўчасида яшовчи халқ табиби Умархон Аҳмедовдир.

Асли касби тиббиёт ходими бўлган, туғма қобилияти туфайли қирқ йилдан бери беморлар дардига шифо бағишлаб, обрў топаётган, ҳозирда вилоят ёки мамлакатимиздан ташқари қатор қўшни давлатлар фуқаролари ўртасида ҳам танилган Умархон аканинг табиблик ишлари ҳақида эмас, балки унинг чинакам инсонийлиги, эл оғирини енгил қилишга фойдаси тегаётганлиги хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Гап шундаки, халқ табибининг ўзи яшаётган Саидқўмқўрғон маҳалласидаги бир қатор кам таъминланган оилаларни вақти-вақти билан моддий қўллаб-қувватлаб келаётганлиги, ўз ҳисобидан, ҳовлисининг кўча қисмида маҳалладошлари учун озиқ-овқат дўкони қуриб фойдаланишга топширганлиги, водопровод ва газ шаҳобчалари тортиб келиниши учун пул сарфлаб жон қуйдирганлиги маҳалла аҳлига маълум. Ўтган йилнинг куз ойларида эса 26-мактабда ўқиётган бир гуруҳ кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари ва китоб-дафтар сотиб олишга 25 минг сўм пул ҳадя этди. Бу йил эса шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёридаги компьютерларни заҳира қисмлар билан таъминлашга маблағидан кўмаклашди.

Лекин, бир муаммо Умархон акани анчадан бери ўйлантириб келарди. Уларнинг маҳаллаларидан ташқарида «Қизилравот», шунингдек, яна бир қатор маҳаллалар жойлашган ва Қозигузар даҳасининг ўнг қанотидаги массив аҳолиси кўча нобоплигидан анча йиллардан бери азоб чекарди. Дарҳақиқат, Тахтакўприк даҳасидан ўтганингиздан сўнг Наманган-Уйчи йўлидан чапга кириб кетган 3-проезд Норин кўчаси чиқарилганидан бери таъмирланмаган бўлиб, қишда лой, ёзда чанг-тупроққа қоришиб ётарди. Бу массивда истиқомат қиладиган минглаб одамлар бу ҳақда тегишли жойларга неча-неча бор мурожаат қилишди-ю аммо натижа чиқмаётган эди. Ниҳоят салкам бир чақиримдан ортиқ бу кўчани таъмирлашни ҳам Умархон Аҳмедов ўз зиммасига олди. Бу ерда халқ табиби бошчилигида ўн кундан зиёд таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу вақт ичида ўнлаб машина шағал, қанчадан-қанча асфальт келтириб тўкилди. Йўл таъмирлаш ташкилотидан ишчилар келиб ишлашди. Кўчанинг маблағи ҳисобига таъмирланди. Халқ табибининг халқ учун саховатидан ҳамма ҳурсанд. Бахил топса босиб ер, сахий топса сочиб ер деганлари шу-да!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport •

«ФРАНЦИЯ-98»:

НАВБАТ ЧОРАК ФИНАЛГА

Шу кунларда барча футбол ишқибозларининг «оромини ўғирлаган» 16-жаҳон чемпионати тобора қизғин паллага кириб бормоқда. 30 июнь куни икки учрашув билан нимчорак финал баҳсларига ҳам якун ясалди. Маълумки, ўтган шарҳларимизда нимчорак финал ўйинларида ғалаба қозонган Бразилия ва Дания, Италия ҳамда Франция футболчилари жаҳон чемпионатининг чорак финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганликларини хабар қилгандик. Энди улар сафига яна тўрт жамоа қўшилди. Уч карра жаҳон чемпиони германиялик футболчилар нимчорак финалда «Мексика» терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Учрашувнинг 2-дақиқасидаёқ мексикалик футболчиларнинг ҳужуми гол билан якунланди. Луис Эрнандес мексикаликларни олдинга олиб чиқди. «Германия» терма жамоасини саралаш ўйинларида ҳам бой бера туриб ғалаба қозонганликларининг гувоҳи бўлгандик. Бу сафар ҳам шундай бўлди. 2-бўлимда Юрген Клинсманн вазиятни тенглаштирди. Оливер Бирхофф эса ғалаба тўпини киритиб, ўз жамоасини жаҳон чемпионатининг чорак финалига олиб чиқди.

«Голландия»-«Югославия» терма жамоалари учрашувида ҳам 2:1 ҳисоби қайд этилди. Учрашувнинг 1-булим 35-дақиқаларида Денис Бергкамп ҳисобни очди. Орадан кўп вақт ўтмай, югославиялик футболчи Слобадан Комленович вазиятни тенглаштирди. Биринчи бўлим 1:1 ҳисобида тугади. Шундан сўнг кураш янада кескинлашди. Ҳужумларнинг бирида югославиялик футболчилар ўз жарима майдонларида кўпол ўйнадилар. Мусобақа ҳаками 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Лекин голландиялик футболчилар юз фоизлик имкониятдан фойдалана олмадилар. Жарима белгисидан тепилган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Кўпчилик мухлислар учрашувнинг асосий вақти дуранг билан тугашини кутишаётган эди. Лекин «Голландия» терма жамоасининг аъзоси Эдгар Давиднинг узоқдан кучли зарб билан тепган тўпи ҳимоячиларга тегиб, «Югославия» терма жамоаси дарвозасига бориб тушди. Демак, 2:1 ҳисобида ғолиб чиққан голландиялик футболчилар 4 июл куни чорак финалда «Германия» терма жамоасига рўбарў келадилар.

30 июнь куни нимчоракнинг сўнгги икки учрашуви бўлиб ўтди. Дастлаб майдонга «Руминия» ва «Хорватия» терма жамоалари чиқишди. Руминиялик футболчилар «Г» гуруҳида етти очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллашган эди. Улар «Колумбия» терма жамоасини 1:0, англиялик футболчиларни 2:1 ҳисобида енгиб, «Тунис» жамоаси билан дуранг ўйнашган эди. «Хорватия» терма жамоаси билан ўтказилган навбатдаги учрашув ниҳоятда қизиқарли бўлди. Лекин омад хорватиялик футболчиларга кулиб боқди. Саралаш учрашувларида «Хорватия» терма жамоаси «Ямайка»,«Япония» футболчиларини мағлуб этишган эди. Ушбу гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган икки карра жаҳон чемпиони «Аргентина» футболчиларига 1:0 ҳисобида бой берган эдилар.

Учрашувнинг 1-бўлим ўрталарида руминиялик футболчилар ўз жарима майдонларида кўпол ўйнаганликлари туфайли мусобақа ҳаками 11 метрлик жарима белгисини кўрсатди. Хорватияликлар юз фоизлик имкониятни қўлдан бой бермай, 1:0 ҳисобида олдинга ўтиб олдилар. Шундан сўнг «Руминия» терма жамоаси футболчилари ҳам бир неча бор ҳисобни тенглаштириш имкониятига эга бўлишди. Бироқ, хорватиялик дарвозабон ва ҳимоячилар бехато ўйнашди. Натижада 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Хорватия» футболчилари ҳам жаҳон чемпионатининг чорак финалига йўлланма олдилар. Энди улар 4 июль куни «Германия» терма жамоаси билан куч синашишади.

Шунингдек нимчорак финалнинг сўнгги учрашуви ниҳоятда кескин курашлар остида ўтди. 1966 йили жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган «Англия» ҳамда 1978 ва 86 йилларда «Олтин маъбуда»ни қўлга киритган «Аргентина» терма жамоалари мусобақасининг асосий ва қўшимча вақтида дуранг натижа қайд этилди. Дастлабки икки тўп 11 метрлик жарима белгисидан киритилди. Шундан сўнг аргентиналик футболчилар яна олдинга ўтиб олишди. Майдонда 10 киши бўлиб ҳаракат қилган «Англия» терма жамоаси футболчилари кўпроқ ҳимояда ўйнашса-да, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Учрашув тақдири 11 метрлик белгидан тўп тепиш бўйича ўзига хос курашда ҳал бўлди. Бу борада «Аргентина» терма жамоаси футболчилари бехато ўйнаб, қийин курашда жаҳон чемпионатининг чорак финалига чиқишди. Энди улар яна уч кундан сўнг «Голландия» терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Чорак финал мусобақалари 3 июль куни бошланади. Шу куни «Бразилия»-«Дания»,«Италия»-«Франция» футболчилари ўзаро куч синашишади. Демак, жаҳон чемпионати ниҳоясига етиб бораяпти. 32 клубдан бор йўғи саккиз тасигина ғолиблик учун курашни давом эттирадилар.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Шу йилнинг 25 май куни «Қирғизэнерго» буюртмасини бажараётган МИГ-8 русумли вертолёт Иссиқ кўл атрофида йўқолган эди. Унинг ичида 16 киши бор эди. Вертолёт йўқолган кунидан бошлаб қидирилмоқда. Бу ишга 500 дан ортиқ киши, техника воситалари жалб қилинган. Республика фавқулодда ва мудофаа вазирлиги матбуот марказининг хабарича, ҳозирча вертолёт ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

***

Тожикистон мудофаа вазири Ш.Хайруллаев Эрон мудофаа вазири билан учрашган. Маълумки Эрон Тожикистон билан мудофаа соҳасида алоқа ўрнатган биринчи мамлакатдир.

***

БМТнинг Тожикистондаги вакили Ян Кубеш Эронга ташриф буюрган. Унинг бу мамлакатга боришидан мақсад Тожикистондаги баҳсли масалаларни бартараф этишда Эроннинг муносабатларини билиш ва у ердаги раҳбарлар билан музокаралар олиб бориш. Маълумки, Эрондаги тожик мухолифат кучлари ўз Ватанларига қайтиб келган бўлса ҳам уларнинг оила аъзолари ҳали бу мамлакатда яшаб турибди.

***

Исроил саноат ва савдо вазири Натан Шаранский Марказий Осиё республикалари бўйлаб сафарини Қозоғистондан бошлади. Табиий қазилмаларга бой бўлган бу мамлакат билан юксак технологияларга (айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида) эга бўлган Исроил давлати ўртасидаги иқтисодий ва савдо соҳасидаги алоқалар ҳозирги кун талаби даражасида эмас. Бу иккала мамлакат ўртасидаги савдо ўтган йили бор-йўғи 10 млн. долларни ташкил этган. Ташрифдан мақсад иккала томон учун фойдали бўлган алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

***

Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев парламент олдида сўзлаб дунёда нефтни нархи тушиб кетганлиги сабабли (республика иқтисоди бундан 10-12 млрд, танга зарар кўрар экан) республикада кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларни четга чиқаришни кўпайтириш, бунинг учун солиқ тизимига ҳам баъзи ўзгартишлар киритиш лозимлигини таъкидлади.

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Германияда жаҳонга машҳур бўлган олий ўқув юртлари кўп. Геттенген университети ҳам ўзининг яхши анъаналари билан яхши танилган. Бу олий ўқув юрти фундаментал математика фани ютуқларини бутун дунёга таратган илм-фан даргоҳи ҳамдир.

Шу сабабли ҳам Геттенген университети номи тилга олиниши билан кўпчилик кўз ўнгида Гилбер, Клейт, Гауст сингари йирик математик олимлар ҳамда уларнинг ажойиб кашфиётлари гавдаланади.

Ана шу нуфузли олий ўқув юрти билан республикамизнинг кўзга кўринган математик олимлари ўртасида ҳам яқин илмий алоқалар йўлга қўйила бошланди. Гап шундаки, ўзбек математик олимлари номидан профессорлар Гулмирза Худойберганов билан Ҳофиз Музаффаровлар яқинда Германияда бўлиб, Геттенген университетида унинг раҳбарлари билан давра суҳбатлари уюштиришди. Улар Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетининг етакчи олимлари сифатида ҳар иккала олий ўқув юртлари ўртасида илмий алоқаларни ўрнатишга доир шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш учун вакил этилган эдилар.

Ана шу ҳамкорлик битимига мувофиқ университетлар ўзаро талаба, аспирант ва ўқитувчи ходимларни айрибош қилиш, улар ўртасида ўзаро фикр алмашиш жараёнлари амалга оширилади. Кўрилаётган бундай илмий-маърифий тадбирлар яқин йиллар ичида ўз самараларини бериши кутилмоқда.

Истиқболли режаларни белгилаш ҳақида илмий алоқа шартномасини имзолаш учун Геттенген университетининг ректори жаноб Шрайбер шу яқин орада Ўзбекистонга ташриф буюради.

Бундан ташқари ҳозирнинг ўзида иккала олий ўқув юрти математик олимлари иштирокида қўшма конференция ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Келгуси 1999-йилда уюштириладиган ушбу анжуманда математик таҳлил, компьютер ва бошқа замонавий техника масалаларига доир илмий чиқишлар бўлади.

А. АЛИЕВ.

Божхона постлари олиб ташланди

Ўзбекистон ва Қозоғистон божхона қўмиталари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида идороларараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилашни кўзда тутувчи ҳужжат имзоланган эди. Унга биноан, Ўзбекистон ҳудудидан Еттисой - Чордара йўналишида ўтган 24,5 километрли автомобиль йўли Қозоғистон Республикасига 10 йил муддатга, Қозоғистон ҳудудидан Тошкент -Термиз йўналишида ўтувчи 24 километрли йўл Ўзбекистон Республикасига шунча муддатга фойдаланиш учун берилди.

Куни кеча Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига хизмат қиладиган яна бир муҳим воқеа юз берди. Жиззах вилоятининг Фориш тумани чегарасидаги икки давлатнинг «Тўғон» ҳамда «Арнасой» божхона постлари олиб ташланди. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда икки мамлакат божхона хизмати ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар постларнинг олиб ташланиши тарихий илдизлари, анъана ва урф-одатлари муштарак бўлган икки қардош халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири.



Гулистон шаҳрида айни кунда ўнлаб спорт иншоотлари ишлаб турибди. Ана шундай муҳташам бинолардан бири бокс саройидир. Бу ерда бир йўла 200 спортчи машғулот ўтказиши мумкин. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бу сарой Марказий Осиёдаги энг мақтовли бокс саройларидан ҳисобланади.

Суратда: тренер Эркин Мелиев шогирди Саша Фролов билан.
Бокс саройининг кўриниши.

Тохиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ШАХМАТ

Георгий Аъзамов номидаги Республика шахмат-шашка клубида Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий турнир қизғин паллага кириб бормоқда. Мазкур хотира турнирига «Спорт» газетаси маъмурияти ҳомийлик қилаяпти. Ўзбекистон тўртинчи чемпионатининг қатнашчиси, таниқли назариётчи Василий Панов 1934 йилда бўлиб ўтган республика биринчилигида қатнашган Азмиддин Хўжаевни «Ўзбекистон Чигорини» деб баҳолаган эди. Республиканинг биринчи чемпиони, ташкилотчи ва изланувчан, ёшларнинг қобилиятли мураббийси Азмиддин Хўжаев Ўзбекистон шахмат ҳаётида ёрқин из қолдирганлардан.

Чемпион, мутасадди ва устоз хотираси қарийб чорак асрдан бери эъзозланиб келинмоқда. У киши билан мулоқотда бўлганларнинг таъкидлашича, ўша ўттизинчи йилларда уни танимаган одам кам бўлган. Чемпионнинг орзуси мамлакатимизда ақл-идрок ўйини - шахматни чинакам оммалаштириш, бунинг асосида моҳир усталар етиштириб чиқариш эди. Унинг орзу-нияти амалга ошди ҳисоб. Ҳозирги кунда Азмиддин ака шогирдларининг шогирдлари нуфузи, баланд турнирларда дона суриб мустақил Ўзбекистонимиз шаънини кўкларга кўтармоқдалар, эъзозламоқдалар.

Мазкур хотира турнирида бу сафар фақат республикамиз ҳудудидан келган шахматчилар устоз хотирасини эъзозлаб дона сурмоқдалар. Улар оз эмас, кўп эмас, 64 нафар. Демак ҳар куни 32 тахтадан муросасиз «жанг»лар бўлиб ўтяпти. Жадвални эса тажрибали спортчилар бошқариб беришяпти. 22-бор ўтказилаётган Азмиддин Хўжаев хотира турнирининг ғолиб ва совриндорларини сиз ва биз 4 июль куни билиб оламиз. У кунлар эса узоқ эмас.

Бўш вақтинг - хуш вақтинг

«БОҒИ ЭРАМ» ЧОРЛАЙДИ

Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек туманининг «Боғи эрам» оромгоҳида аҳоли маданий ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бу ерда ўтказилаётган оммавий дам олиш кунларида таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаол иштирок этишмоқда. «Юлдуз» маданият уйининг Қаюмжон Усмонов бошчилигидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаси концерт дастури, таниқли хонанда, Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат олийгоҳи етакчи мутахассиси Козимжон Жабборовнинг ўзбек мумтоз ва замонавий қўшиклари, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Комилжон Жабборов ижодига мансуб «Диёримсан», «Кўзларинг», «Эй пари» ва бошқа қўшиклардан тузилган мусиқий дастурлар томошабинларнинг эътиборини қозонмоқда.

Оромгоҳдаги замонавий аттракционлар, ўйин автоматлар, шахматчилар клуби, болалар ўйингоҳи ва бошқа кўпгина тўгараклар боғ меҳмонлари дилларини хушнуд этаяпти. Бунда шаҳар «Наврўз», «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда ҳам турли тадбирлар ўтказилаётир. «Оилам- бахтим», «Оила ва ҳуқуқий тарбия», «Оила тарбия ўчоғи» ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Тадбиркорларнинг шерик излашларида вақтларини тежаш, ишлаб чиқарувчилар ва таъминловчилар ҳақида тўлиқ маълумот олиш, янги бозорларга чиқишда ёрдам бериш мақсадида туман тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда «Маҳсулот-98» кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада ҳамдўстлик мамлакатлари вакиллари ва чет эллардан меҳмонларнинг қатнашиши барча турдаги мулкчилик шаклидаги тадбиркорларни тадбирга бўлган қизиқишларини янада оширди.

Тошкент вилоятининг «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси билан ҳамкорликда ўтказаётган концертлар, адабий-мусиқий кечалар ҳамюртларимизнинг мазмунли хордиқ чиқаришларига ёрдам бермоқда.

Тошкент шаҳар татар маданий маркази билан ўтказилган оммавий байрам кўпчилик дам олувчиларни хотираларида кўп вақт қолади. Татар бадиий ҳаваскорларини чиқишлари, бадиий санъат ҳаваскорларининг кўргазмалари, миллий таомлар кўргазмаси, савдо ярмаркаси ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди.

- Бу йилги мавсум давомида кўплаб туркум маданий-маърифий тадбирлар, мустақилликнинг етти йиллигига бағишланган оммавий сайил, билим кунига бағишланган адабий-мусиқий кеча, касб кунларига бағишланган дам олиш кунлари ва бошқа бир қатор тадбирлар ўтказишни ҳам режалаштирганмиз,- дейди оромгоҳ раҳбари Содиқжон Собиров.

Оромгоҳда кўплаб маданий дилочар тадбирлар бўлаётгани дам олувчиларни хушнуд этмоқда.

Рустам ХЎЖАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ УЧУН!

Олий ва биринчи лига жамоалари биринчи давра ўйинларини якунлаб танаффусга чиқдилар. Лекин 1998 йил Ўзбекистон кубоги баҳслари давом этаяпти. Тошкентдаги «Тракторсоз»лар стадионида «Трактор» ва «Нефтчи» жамоалари биллур совриннинг дастлабки ярим финалида ўзаро куч синашдилар. Фарғоналик футболчилар кубог ўйинларида икки бор ғолиб чиқишган бўлса, «Трактор» жамоаси ярим финалда илк бор иштирок этмоқда. «Тракторсоз»лар бундан аввалги босқичда икки ўйин якунига кўра «Бухоро» клубини ортда қолдиришди. «Нефтчи» эса «Насаф» жамоаси билан бўлган мусобақада 5:1 ва 2:1 ҳисобида ғалабага эришиб, 7-марта Ўзбекистон кубогининг ярим финалида иштирок этаяпти. «Трактор» ва «Нефтчи» жамоалари учрашуви 5:4 ҳисобида Ўзбекистон кубогининг ғолиби фарғоналик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Маълумки, чорак финал ўйинларида «Пахтакор»чилар «Сўғдиёна» клуби билан икки бор учрашиб рақиблари дарвозасига 9 та тўп киритган холда ўз дарвозаларидан фақат бир тўп ўтказиб юборишди. Наманганлик футболчилар эса Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоасини 5:0 ва 2:0 ҳисобида енгишди.

Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида «Пахтакор» ва «Навбаҳор» жамоалари ўртасида ярим финал дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Ҳар икки клуб футболчилари ҳам мамлакат кубогини икки мартадан қўлга киритганлар. Бу учрашув ҳар икки жамоанинг кескин курашлари остида ўтди. Мусобақанинг 81-дақиқасида навбаҳорчи Зафар Мусабоев ҳисобни очди. Орадан уч дақиқа ўтгач Николай Ширшов жавоб тўпини киритди. 1:1 ҳисоби учрашув охиригача сақланиб қолди. Ўзбекистон кубогининг ярим финал такрорий мусобақалари Фарғона ва Наманган шаҳарларида 24 август куни ўтказилади.

Довнёр ЮСУПОВ.

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририятимиз манзили: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ТВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0182. Нсхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Улуғбек ҚУРБОН 1 2 3 4 5 6